

МИРЗАЧЎЛНИ ЎЗЛАШТИРИШНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ!

Мирзачўлни йирик пахта конига айлантирамиз

Областимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР, Қозоғистон ССР ва Тожикистон ССРда Мирзақўлни суғориш ва ўзлаштириш соҳасидаги ишларни янада кенгайтириш ҳамда жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорини баланд руҳ билан кутиб олдилар. Чўлни ўзлаштирувчилар бу қарорга амалий иш билан жавоб бераётдилар. **Суратларда:** 1. Ян иердаги 5-СМУнинг илгор бульдозерчиси **Г. Яганов**, 2. 1-«Далварзин» совхозида ғўзаларга тушган зараркунандаларга қарши самолётдан дорн сепиш пайти. 3. Янгире шаҳар журилишида қиладган илгор дурадгор **Жумабой Тиломуратов** ни устиди.

Р. Шамсидинов, Қ. Ҳоқов ва **В. Сироткин** фотолари, (ЎЗТАГ фотокорреспонденти).



ТЕЛЕВИДЕНИЕ ЁРДАМИ БИЛАН

Чирчиқ энергетикали тобора янги техникалар билан қўрланган, электр қуввати ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, Комсомол ва Тошкент гидроэлектростанцияларида бу иш янча яхши йўлга қўйилди. Эндиликда бу ГЭСлардаги кўп ишлар телевидение орқали бошқарилади. Бу эса турбинлар ва бошқа мураккаб механизмлар ҳаракатини назорат қилишда банд бўлиб қолган ўнлаб мутахассисни бошқа ишларда фойдаланишга, давлатнинг юз минглаб сўм маблағини тежашга имкон берди.

Янги вақтда Чирчиқ дарёсидagi бошқа гидроэлектростанциялар ҳам телевидение орқали бошқарилади.

(«Ленин йўли» — Чирчиқ).

ЧОРВАДОРЛАГА МАДАНИЙ ХИЗМАТ

Яқинда Ингйўл район маданият бўлимининг ағтмагинини Келес массивида 10 кун бўлиб, чорвадорларга маданий хизмат кўрсатиб қайтишди. 3 мингта ақин чўпон ва пичан ўрувчи 20 дан ортиқ кинофильм кўрсатилди. Сийсий ва бадиий адабиётлар тарқатилди.

(«Ленинчиқ» — Ингйўл).

КОЛХОЗ ҚИШЛОҒИ РАДИОЛАШМОҚДА

Ўртағарой районининг колхозлари тез суръатлар билан радиолаштиришмоқда. Жуда кўп колхоз ўз радиоусулга эга. «Северий йўл» колхозида ҳам радиолаштирилди, ишга туширилди. Ҳозир 350 колхозчи хонадонининг уйда радио мўҳталари ишлаб турибди. Қишлоқ кўчаларига радио қарнайлари ўрнатилди.

(«Пахтадорлар овози» — Ўртағарой).

РАЙОН МАРКАЗИДА

Район маркази — Крестинский қишлоғи йилдан-йилга обод бўлмоқда. Кейинги вақтда бу ерда кўпгина маданий-маиший биналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кутубхона ва кино-театр меҳнаткашлар хизматида. Маҳаллий партия, совет ташкилоти аҳлини меҳнатига хизматини яхшилаш юзасидан ҳам зарур чораларни кўрапти. Яқинда бу ерда кўшимча равишда 5 хонали касалхона биноси қурилиб битказилди.

(«Коммунизм учун» — Гулистон).

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ЯНГИ ИЛИЙИЙ МАРКАЗ

НУКУС. 16 июнь. (УзТАГ). Чимбойда қишлоқ хўжалиги илмий текшириш зонал институти ташкил қилинди. СоюзНИИХИ комплекс зонал тажриба станцияси, Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг таянч пункти, Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министрига қарашли энг ақиллари селекция таянч пункти, Тўртқўлдаги бодорчилик ва тоқчилик таянч пункти бу институт қарамоғига топширилди. Институт ҳузурида пахтачилик, деҳқончилик, чорвачилик, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, сугорилиш ва мелiorация бўлимлари, шунингдек агрохиями, агротехника ва агротупроқшунослик лабораториялари ташкил этилмоқда.

Оҳангарон шаҳрида жуда катта ҳажмда капитал қурилиш ишларини бажариш планлаштирилган. Бу ерда архитектура ва лойиҳалашнинг энг сўнгги ютуқлари асосида тузилган мукамал генерал план бўйича Катта Оҳангарон шаҳри, Ўрта Осиёда энг йirik Давлат район электростанцияси, Ўзгарт қўмир разрезни, ерости газ станцияси ва бир қанча саноат корхоналари қурилатиб.

Катта Оҳангарон шаҳри қурилишини асосан «Ўзбекшахтострой» трестининг 3-қурилиш бошқармаси олиб бораётир. Ўтган 5 ойда бошқарма коллективи давлат планини 87 процент адо этди.

«ГРЭСстрой» йили бошланг бери битта ўй-жой биноси ҳам фойдаланишга топширилган. Янв. 1957 йил август ойида куриб битказилган 1570 квадрат метр ҳажмга эга бўлган 4 та ўй ҳам ҳалягача расмийлаштириб топширилган. Ўтган йил сентябрь ойида битказилиши керак бўлган ўрта мактаб, 100 ўринлик болалар боқчаси ва 80 ўринлик асли қурилиши ҳам ҳададан ташқари чўзиб юборилди.

«Ўзбекшахтострой» трести бўйича 5 ойлик ўй-жой қурилиш плани 81 процент бажарилди, 4160 квадрат метр ўрнига 3360 квадрат метр ўй-жой фойдаланишга топширилди. Ерости газ станциясида бу трест биронта объектни ҳам битказгани йўқ. Оҳангарон қўмир разрезини реконструкция қилаётган 1-қурилиш бошқармаси 5 ойга планлаштирилган ишнинг ярмини бажарди, қолос. Шунингдек, шу ойнинг бошида битказилиши керак бўлган цемент заводини реконструкциялаш иши ҳалягача чўзилиб ётибди, унинг ақин 15-20 кунда битишга ҳеч қимининг кўзи етмади.

Трест қурилиш-монтаж ишлари қимматини қаматириш юзасидан берилган планини бажариш уйда турсин, 5 ойга маош фондидини ўзидан 61 минг сўм кўп сарфлаб юборди. Шу мўддатда 1-қурилиш бошқармаси 997 минг сўм, 2-бошқарма 776 минг сўм, 3-бошқарма 750 минг сўм зарар кўрди.

Умуман «Ўзбекшахтострой» трести 5 ойнинг ўзига қарий 15,4 мил.

РЕПОРТАЖ

Бошлар яслини ямояшлар дарахтлар қўюқ соя ташлаб турган хуш ҳово ерга қўйилган. Хосият опа ҳар кунгидай дўбқорларни қабул қилиш учун шайланган, ташқарида чиққанида қўш ҳали кўтарилмаган эди. У Зайнаб опа билан Ойғилос опани самимий кутиб олиди. Оналарнинг қўлидан гўдакларни олиб, бир-бир бағрига босар экан:

— Бугун иш янада унумли бўларканда, — деди у, — салқинда иш баракани бўлади деган сизларга, балли сизларга...

Оналар Хосият опага миннатдорчилик билдириб, пайкал томонга йўл олишди. Меҳир механикатор Саид олдидангидай ҳаммадан олдин етиб келиб, квадратлардаги гўзалари учинчи марта қўндалангича култивация қилаётган эди. У икки ишни бир йўла бажармоқда, яъни култивация билан бир вақтда гўзаларни озиклан-тириб ҳам кетапти.

Ихшигул, Зулфия, Шоҳодатлар эса 5-6 талдан чин барг чиқарган гўзаларни сифатли чиққ қилмоқдалар. — Бугун норма қанчадан бажарилади, — иш бошқид турган бригадир етиб келган Зайнаб опадан сўради.

— Ешлардан қолшимайми. Бугун икки нормани ўлчаб олаверинг, — Зайнаб опа жавоб берди. — Хосият опа бор, болалардан қўлимиз тўқ, ишлаб чарчамайми.

— Бўлмаса иккаламиз мусобақалашиб қўйлайлик, — мойи рўмолчаси билан мангил терини артар экан, таңга Зулфия аралашди. — Беллашарамиз, — Зайнаб опа бўш келди, — дани бир куч синаями кўрайлик!

Бригадир бу ердagi ишдан қўнгли хотиржам бўлиб, кечаси сув таралган қартага қараб йўл олди. Коммунист Ваҳоб ака билан Журабой ака бригаданинг миришкор сувчилари, бу соҳада бой тажриба ортирган кишилар. Мана ҳозир бири жидиратиб сув таралган эгат бошларини қўздан кечириб юрди. Ваҳоб ака эса кечқурун сув қўйилган қарта эгатлари бошига чим босаяпти.

— Бугун тўрт гектар ер қониб сув ичди, — Ваҳоб ака яхлит бир чимини қўздан босди-да, кейин сув ичиб яшнаган гўзаларга меҳр билан назар ташлаган ҳолда сўзлаб давом этди, — эртагача қолган ерларини ҳам қўздан чиқарамиз.

Бригадир Муртоза Аҳмедов уларга миннатдорчилик ҳисси билан боқди. Чўпки у мўл ҳосил қилипти энди кўп жиҳатдан сувчилар қўлида эканлигини яхши тушунарди.

Тупшак далада меҳнат жадал давом этди. Ҳар бир киши ишни сифатли бажариш учун курашди. Шу пайт дала шийпонидан зағ овози эшитилди. Қиз ва йигитлар, механизатор, сувчилар шийпонга етиб келганларидан бу ерда бошланг партия ташкилотининг секретари Набижон Исмоилов бригада

Бу йил Тошкент обласи бўйича давлатга 500 минг тонна пахта берамиз!



Суратда: Колхоз бошлангч партия ташкилотининг секретари ўртоқ Н. Исмоилов бригада аъзоларига бугунги газетда босилиб чиққан материалларни ўқиб бермоқда. В. Салов фотоси.

бошланг билан сўхбатлашиб ўтирарди. Ваҳоб ака ҳовуздан юз-қўлини ювиб, ошпоқ сочқид артирар экан, парток билан саломлашди.

— Келинг Набижон ака, бугун нима айтишлар олиб келдингиз? — деди у самимий.

— Ингилдан бири шуки, сизни бир-икки асқингиз билан қўпни бригадир Саидкарим ака ҳам дала шийпонини қўриб тамомлади. Асло сизларникидан қолшимайди, роса ҳаракат қилишди-да. «Энди жонимиз роҳат қилганидан бўлди» дейишпти бригада аъзолари.

Парток айтган Саидкарим ака илгарилар «Бизга пахта бўлини, шийпонини нима кераги бор, дам олиш бўлса соя жой топиб ёнбош қилиб кетаверамизда» деб юрарди. У Муртозалар бригадасига бирикки келиб шийпонининг мазасига,

аҳамиятига тушуниб қолди-ю, колхоздан қурилиш материаллари олиб бригада аъзолари билан тез кунда шийпонини қўриб битказди. Энди бригада аъзолари, айниқса, болалик аёллар уйга қатнаб қимматли вақтларини бекорга ўтказишдан қўлишти, меҳнат унумдорлиги ҳам орта бошладди.

— Яхши иш бўпти, — деди Ваҳоб ака партокнинг ёнига ўтириб, Муртоза узагган пийдадаги ахна чўпини симираб экан.

Шу пайт универсалчи Саид приёмининг қўлуғини бўраб юборди. Дилрабо музика садолари шийпонга янада ғайб бахш этди. Колхозчилар оқватилди, энди чой ичишга бошлаганларидан бу ерга қасир Анвар ака Усмонов келиб қолди. Ўйларганлар уни самимий қарши олишди. Қасир бир пастда колхозчиларнинг ўн кунлик меҳнатига аванс пули тарқатиб чиқди.

УСТА ПАХТАКОР

Ҳафизбой ақанинг Фаргона водисидан яшнаётган Мирзачўлга кўчиб келганига 20 йилдан ошди. У ўзининг пахтачилик соҳасида ортирган бой тажрибалар, ҳалол меҳнати билан Мирзачўлини ҳам худди Фаргона водисидек «оқ олтин» водисига айлантиришга мўносиб ҳисса қўиш ҳаракатиди.

Уста пахтакор Сталин номи колхозда 12 йилдан бўён зveno бошчилиги қилди, у миришкор сувчи, мўл ҳосил етиштиришда сувчининг роли жуда катта эканлигини Ҳафизбой ака яхши тушунади. Йилдан-йилга юқори ҳосил етиштириб келадиган зveno аъзолари бу йил квадрат-улаб ўстирилайтган 20 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Икки марта сифатли парваридан чиқарилади, Ҳафизбой ака томонидан кечалари қондириб сугорилайтган гўзалар соғлам ривожланимоқда.

Шу кунларда Ҳафизбой ака Ҳамроқулов бошлиқ зveno пахта далаларида бўлган кишининг бахри-дили очилди. Қўлғуриб ўсаётган гўзалар ёппасига шоналаб, пахтазорга ажойиб ғайб бахш этган.

— Звенониз аъзолари, — дейди Ҳафизбой ака, — янги йўлларини мураккабнинг яқинлиги билан қабул қилдилар, Биз ҳам ана шу мурожаат асосида гўзаларимизни сифатли парварши қилиб, унинг эрта гуллашига эришамиз.

Х. САГИЗОВ.

Шундан кейин парток бригада аъзоларига Ингйўл район пахтакорлари бошлаган ахши ташаббус ҳақида сўзлаб берди.

— Ингйўлликлар, — деди у ҳаммининг фикрини жалб қилиб, — июнь ойи ичида гўза парварини соҳасидаги қолқинини тутатиш юзасидан ўз зиммаларига социалистик мажбурият олдилар. Улар ўсишдан қолсаётган гўзаларини яхши ривожлантиришга гўзалар даражасига етказиб олиш учун култивация, озиклантириш, сугорилиш ишларини белгиланган агротехника мўддатларида тез ва сифатли ўтказиш учун курашга бел боғладилар. Район пахтакорлари текиндалан, отулолардан, ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланимоқдалар. Гўзаларнинг чанқаб қолмаслигини таъминламоқдалар. Биз ҳам, — сўзлаб давом этди деди парток, — улар бошлаган ташаббусдан ўрнак олишимиз керак.

Парток ва бригадир Ингилданларга шу кеча-қундузда гўзани қандай парварши қилиш, нималарга кўпроқ эътибор бериш лозимлиги ҳақида сўзлаб беришди, Ингилданлар ўзаро масалалашиб, «Ингйўлликлар Муртозанинг қўллаб-қувватлаймиз» дейишди. Ўлар шу ой охиригача барча майдонларда гўзаларни яна бир марта узунсига ва қўндалангича култивациялаш чиқарин, қўшимча озиклантириб, қондириб сугорилиш учун аҳд қилдилар.

Оромбахш дала шийпониди дам олиш бугун ҳам ҳар кунгидай қўнғилан ўтди. Далада яна қизғин иш бошланг кетди. «Универсал» овози яна турғилдай бошладди. Қиз ва йигитларнинг шўх ялалари пахтазор бўйлаб янғирди.

Муртоза Аҳмедов бошлиқ бригада аъзолари квадрат-улаб ўстирилайтган пахта майдонларининг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилганлар. Шу мақсад билан худди ўзлариникидек кўркам дала шийпонига эга бўлган Нишонгул Бўрибекова бошлиқ бригада аъзолари билан мусобақалашдилар. Мусобақалашчилар ҳам 72 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Колхоз правлениеси ва бошлангч партия ташкилоти пахтакорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шaroитларини яратиб беришга ҳаракат қилапти. Бу ерда инсон меҳнати меҳр билан тақдирланмоқда. Ана шунинг учун ҳам колхознинг барча бригадаларида Муртоза ва Нишонгул опалар бошлиқ бригадалардагидек иш қизғин, сифатли парварши қилинаётган гўзаларнинг авжи ахши, киши ҳавас қилса арайди.

У. ЖОНГИТОВ.

Чиноз районидagi «Қизил Октябрь» колхоз.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

Дастлабки қадамлар

Ана, бир тартибда қад кўтарган 2-4 хоналик ўй-жой, маданий-маиший биналар қишлоқнинг ҳуснига-ҳусни қўшиб турибди.

— Буларнинг ҳаммасини ўз қучимиз билан қурдик, — дейди колхозчилар.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Димитров номи колхоз фақат Қўп Чирчиқ районидагина эмас, балки республика миқёсдаги энг илгор колхозлардан биридир. Бундан 20 йил илгари бу колхоз территорияси ботқоқ, қаминзор тўқайлан иборат эди. Бир неча хўжалик қаминзор ерни ўзлаштиришга бел боғлашди. Янги колхоз тузилди. Қисқа вақтда тўқайзор унумдор ерга айлантирилди. Колхозчилар бутун куч ва гайратларини техника экинларидан мўл ҳосил етиштиришга қаратдилар. Индан-йилга қанов, жўт ҳосили кўпайди. Мўл ҳосил колхоз экономикасини мустақамлади, колхозчиларни бадавлат хўжаликка айлантирди.

Колхоз ҳар йили давлат планини ошириб бажаради. Ўтган йили ҳар гектар ердан 94 центнердан қанов ҳосили олиниб, план 146 процент қилиб бажарилди. Айрим бригада ва звеноларда гектар бошига 120 центнергача қанов ҳосили етиштирилди. Артеда чорвачилик ҳам тўхтовсиз ривожланимоқда.

Ҳозир колхознинг даромади 25 миллион сўмга етди. Унинг бўлинимас фондида бир неча миллион сўм пул бор. Бу эса колхозда маданий-маиший қурилишларни ривожлантиришга кенг йўл очиб берди. Сўнгги икки йил ичида колхоз маблағи ҳисобига 2 қаватли ўрта мактаб, касалхона, ҳаммом ва бошқа маданий-маиший биналар қурилди.

Колхозда чиқаётган «Ленински йўл» кўп тиражли газетаси бу ютуқлар ҳақида системали равишда материаллар босиб турибди. Газета техника экинларидан мўл ҳосил етиштиришга илгорларнинг бой тажрибаларини кенг пропаганда қилмоқда. Чўқачиликни ривожлантиришга, сириларнинг маҳсулдорлигини оширишга чорвадорлар ҳаёти ёритилмоқда.

Мана, газетанинг 1957 йил октябрдаги биринчи сони. Унда чорвадорларнинг социалистик мажбурият босилиб чиқди. Газета бу билан кифояланиб қолмади. Бу ҳақда кўп материаллар босди, олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажаришга чорвадорларнинг эътиборини қаратди. Мўлобар ва зоотехникларнинг мақолалари ушторилди. Ҳар бир сугирдан 2000-2500 литран сўт соғиб олинган муваффақиятга Ан Сун Ай. Х. Селеснова қабил илгор чорвадорларнинг ютуқларини таҳлил қилди.

Газетада ўтган йили сўт соғиб олишнинг ажайиб ютуқ қўлга киритилди. Ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 170,7 центнердан сўт олинди. Чўқачилик плани 570 процент бажарилди.

«Ленински йўл» газета редак-

цияси маҳаллий материалларни кўпроқ босаётир. Унда колхозчи, механизатор, агроном ва зоотехникларнинг хабарлари мунтазам чиқиб турибди.

72 ёшли колхозчи Пак Сун Хо бундай деб ёзди:

«Кенгайиб қолганимга қарамай ҳалол меҳнат қилишни истайман. 1956 йили 280 меҳнат кунни топдим. 1957 йили эса дафтарчама 300 меҳнат кунни ёзилди. Коммунизм қурилишига ўзининг мўносиб ҳиссанини қўиш учун янада нўпроқ меҳнат қиламан».

Қишлоқ хўжалик артедининг янги уставига мувофиқ ўртоқ Пақта ишлаган меҳнат кунидан ташқари пенсия тартибидеда йилига 75 меҳнат кунни тўлаб турилмоқда. Унинг портрети колхознинг «Ҳурмат таъсия»дан мўносиб ўрин олган.

Ферма мудир Когай Ман Сек, чўпон Амир Оманқуловнинг ютуқлари, инженер И. Хван кўп колхозчилар дурдодорлик қасбини ўрганиб олаётгани, мактаб илмий бўлими мудир А. Тигай ўқувчиларининг дарсларига ўзлаштиришдаги ютуқлари ҳақида ёзилди.

Ҳозир газетанинг 20 дан ортиқ ақини бор. Уларнинг сони ой сайин кўпаймоқда. Колхоз газетасини қизқарқили қилиб чиқаришга катта аҳамият берилмоқда. Унинг саҳифаларида тез-тез сатир ва юмор берилиб турибди, кичик-кичик фельетонлар босилмоқда. Меҳнат иттизомини бузаетган, ичкиликбозлик қилаётган кишилар танқид қамчисига остига олиномоқда.

Колхоз ишлаб чиқаришдаги қамчиликлар газета ситгаларидан кейин қисқа вақтда тузатилади. Партия ташкилоти, колхоз правлениеси матбуот ситгаларининг таъсирчанлиги учун курашмоқда. «Ленински йўл»нинг мазмунли қилиб чиқарилиб далай «Колхозия исқра» газета редакцияси ҳам яқиндан ёрдам бераётир. Редакция ходимлари колхоз газетасининг муҳбирлари билан ҳамкорликда ишлаб, дала ишларини ёритиб бориши ва бошқа соҳалар бўйича режаси ушторилмоқдалар. Бу эса колхоз газетасининг таъсирини янада ошираётир.

Кўп тиражли газета колхозчиларнинг севимли газетасига айланмоқда. У йилга 3 мартадан 500 нўсхадан босилиб, колхозчи хонадонларга бепул тарқатилаяпти.

Шуни ҳам айтиш керакки, кўп тиражли газетанинг ишда бирмунча қамчиликлар ҳам бор. Активлар билан ишлаш ҳали яхши йўлга қўйилмаган, колхоз ҳаётидаги кўп муаммолар баъзан газета ётибдоридан кетди қолмоқда. Иш унумини ошириш, меҳнат қуналарини тежаб-тежаб сарфлаш масалалари ҳали газетачи ўз ифодасини тўла топтиган йўқ. Газета бу масалаларни қанчалик тез ва изчиллик билан ёрита — унинг мазмунини янада яхши бўлади. Бун «Ленински йўл» газета редколлегиясининг аъзолари унутмасликлари керак.

ХУШ ХАБАРЛАР

Бекобод цемент комбинатининг коллективи май ойи планини мўддатидан 5 кун илгари бажариб, ой охиригача кўп миқдорда пландан ташқари маҳсулот берди. Бундай муваффақиятга кўпгина цементчиликнинг унумли ишларини, мажмуи механизаторлардан тўла фойдаланиш натижасида эришилди.

Машинистлардан В. Афанасьев, Ф. Умеров, шифер формовочис И. Тожиев, А. Латипов ўртоқлар смена нормаларини 135-140 процентга етказиб бажаришди.

Ф. Мингазов.

Оҳангарон шаҳар саноат комбинатининг коллективи мажмуи имкониётлардан тўла фойдаланишнинг натижасида 5 ойлик пландан ташқари 176 минг сўмлик кент истеъмол буюмлари ишлаб чиқарди.

Цехларро мусобақад оҳақ қўйдириш, каолин лойи қазиб чиқариш

цехлари олдинда бормоқдалар. Бу цехларнинг коллективлари ойлик топшириқларини бир ярим барабар қилиб адо этмоқдалар.

А. Кўниев.

Алимжон ёр зардиннинг ишчилари ва инженер-техник ходимлари 1958 йил планини мўддатидан илгари бажариш ва қўшимча равишда 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Ўлар ана шу мажбурият асосида ишлаб, ўтган ойлар учун белгиланган планини 110 процентдан ошириб бажаришди.

Заводнинг навбатчи инженер ўртоқ П. С. Цой бошчилигидаги бригадаси унумли меҳнат қилмоқда. Бригада аъзоларидан Н. Рогова, А. Вешинина ўртоқлар топшириқни 2-2,5 барабар қилиб адо этмоқдалар.

М. Ойдинов.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«Икки театрнинг қисмати»

Мирзачўлдаги районларро колхоз-совхоз театрига шaroит яратиб берилганидан тўла фойдаланишнинг натижасида 5 ойлик пландан ташқари 176 минг сўмлик кент истеъмол буюмлари ишлаб чиқарди.

Цехларро мусобақад оҳақ қўйдириш, каолин лойи қазиб чиқариш

Ингйўл театри ҳам ўз иш фаолиятида жиддий қамчиликларга йўл қўйиб келган. Газетамизнинг йўл 9 апрель сонида юқоридаги сарлаҳа билан чиққан мақолада иккала театрининг ижодий ўсишига ғой бўлиб келаятган нуқсонлар танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Маданият министрига санъат ишлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари ўртоқ Корневнинг редакцияга ҳадаб қилишга текширишда мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланган.

Мирзачўлдаги колхоз-совхоз театрининг биноси бўлмагани учун ўз ваазифасини ўташда анча қийинчиликлар туғилмоқда. Шундай бўлса ҳам театр коллективи Навойнинг «Лайли ва Мажнун», Баҳром Раҳмоновнинг «Бир тўй мўжораси» сингари пьесаларини саҳналаштириб, тамошбиларга кўрсатишга муваффақ бўлди.

Ингйўл театрини мустақамлаш учун қўшимча равишда иккала актёр ва битта постановка бўлимининг мудир штаби берилган ҳамда ўртоқ Балакина театрга доимий режиссёр қилиб юборилган.

„Ўқув-тарбия ишлари яхшилансин“

Газетамизнинг шу йил 26 март сонида юқоридаги сарлаҳа билан мақола босилди, унда илгари шўх-тез қозongan Тошкент районидаги Калинин номи 1-ўлкасида ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари бўлашиб кетгани ва бошқа қўпгина

МАМЛАКАТГА 500 МИНГ ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ

Барча колхоз ва совхозларда ғўзани кечасию-кундузи қондириб суғоришга алоҳида эътибор берайлик!

Илғор бригадаларда ғўзалар ёппасига шоналамоқда

Ўртоқ А. Султонов 3 йилдан бери Октябрь районидagi Сталин номи колхозда бригада бошлиги бўлиб ишлайди. Пахтанинг тилига яхши тушунади. Чунки у бу соҳада бой тажриба ортириш билан бирга, қишлоқ хўжалик техникумининг тамомлаб, агроном номини олган.

Ўтган йили Султонов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари янги прогрессив усулни кенг қўлланиб, илғор-агротехника қондаларига амал қилганлари туфайли 93 гектар ернинг ҳар гектаридан 24,5 ўрнига 26 центнердан ҳосил йиғиб олган эдилар. Бу йил эса улар ҳар гектар ердан олинган ҳосилни 2-3 центнердан ошириш мақсада ғўза парваришини ҳар тарафлама сифати ўтказаштирдилар.

Шу кунгача квадрат-уялаб ўстирилётган барча майдонлардаги ғўзалар икки марта икки томонлама сифатли култивациядан чиқарилади. Озиқлантириш, суғориш ишлари ҳам вақтида бир-бирига боғлаб олиб бориламоқда.

Бундай муваффақиятларга тегишчан, мавжуд ишчи кучларидан тўла ва унумли фойдаланилаётганлиги, ўзaro социалистик мусобақа қизғинлигини, пахтакор ва ме-

ханизаторларга ҳар тарафлама қўлай иш шaroити яратиб беришга эришилмоқда.

Айниқса, 60 ёшдан ошган кекса эвено бошлиги Серсен ота Тўлаонов эвеносида меҳнат яхши уюштирилган. Бу эвено ерларидаги ғўзалар ҳозир ёппасига шоналаб яхши ривожланимоқда.

Гектардан 35 центнердан ҳосил етиштиришга, — дейди Серсен ота, — бунинг учун яқин кунлар ичида ғўзаларимизнинг ёппасига гуллашга эришамиз.

Бригаданинг А. Тожиев, К. Алиев ўртоқлар бошлиқ эвеноларида ҳам сифатли парвариш қилинаётган ғўзаларнинг авжи яхши.

Райондаги «Шарқ юлдузи» колхозининг илғор бригадаларида ҳам ғўзалар ёппасига шоналаб боради. Айниқса Харис Мухадесов сувчилик қилаётган бригада ғўзаларига кишининг ҳаваси келади. Ўртоқ Мухадесов ҳар тўғ ўзанинг қониб сув ичинини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам 8-бригада аъзолари миришкор сувчининг номини ҳурмат билан тилга оладилар.

Т. ЖУРАБОВ,
Х. УБАЙДУЛЛАЕВ,
Б. БЕРНШТАМ,
Х. БОБОЖОНОВ.

Миришкор сувчилар

Илғор бригада бошлиги Норқўзан ака Хоматов яхлит картада ағтарлаб юрди. Гуркираб-яшнаб далага фойда бахш этган бу ерлардаги ғўзалар бундан 3-4 кун илгари қондириб суғоришган. Мана бугун ағтарлаб ораси култивация қилишга етилибди. Бригадир хурсанд бўлган ҳолда нариги картага қараб йўз олди.

Кун бўйи қиздириб турган қуёш янги уфқда бош қўйган вақт. Мана шундай вақтда ағтарлаб сув тарашининг алоҳида гашти бор. Миришкор суви Аҳмадали ота Хоматов қулоқ бошларига чим босаяпти. У ўз ишининг устаси. Бир неча йиллардан бери мана шу бригадани сувчилик қилиб, юқори ҳосил етиштириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

— Ҳорманг ота, — деди бригадир у бажараётган ишдан кўнгли

тўлиб, — чанқити, мана энди жидди равио бир захлатасангиз, ҳар тўғ ўзанинг бўйи чўзилиб яшнаб кетадими!

— Бўш келмайсан, — жавоб берди кетмон дастасига бирифас сувиб ота. — Энди сув ғўза томирининг қони бўлиб қолди. Чанқитиб қўймаслик учун курашаберамиз.

Аҳмадали ота ўз шоғирди Саттор Эгамқулов билан биргаликда шу кеча-кундузда астойдил меҳнат қилмоқда. Ғўзаларга кечалари жидди равио сув тараб, қониб сув ичинини таъминламоқда. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари кекса суви ва унинг шоғиридан бениҳоя хурсандлар.

Р. НОДИРКУЛОВ,
Чиноз районидagi «XIX партсезд» колхозчи.

Ғўза тез ривожланмоқда

Бекобод районидagi Навоий номи колхозининг ўртоқ О. Хўжаавазов бошлиқ бригада аъзолари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятларини амалда бажариш учун ғўза парваришини қизғин давом эттирмоқдалар.

Бу ерда ғўзанинг биринчи парвариши бундан йўн-беш кун олдин тугалланган эди. Колхозчилар ғўзанинг учинчи парваришини ҳам шу ой ичида тамомлаш учун курашиб, култивация, чопиқ, озиқлантириш, суғориш ишларини бир-бирига боғлаб олиб бормоқдалар. Узунасига ва қўндалангига култивация қилинган ғўзалар тез ва нормал ривожланимоқда. Дала ишлари-

да актив қатнашаётган колхозчилардан Т. Тўловқулова, О. Умарова, Ф. Ирсоев ва Қ. Дсанов каби ўртоқлар кунлик нормаларини 1,5-2 ҳиссига етказиб бажармоқдалар.

Колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, барча майдонларда ғўзаларнинг бир текисда ривожланишини таъминламоқдалар. Ғўза қатор орадарига ишлов беришда универсалчи ўртоқ Отақул Пўлатхўжаевнинг иши мақташга сазовордир. У, ишнинг сифатига алоҳида аҳамият беради, култивация даражаси бирор тўғ ўзанинг нобуд бўлишига йўл қўймайди. Ҳозир у кунига 13-14 гектар ердаги ғўзани култивация қилмоқда.

У. УММАТОВ.

ТУНГИ СУҒОРИШ



Тун. Жимжитлик. Киров номи колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Мубор Йўлдошева бошлиқ бригадасининг дала-сидамиз. Шийпондан ўтгач, узокдан чироқнинг хира нури кўзга ташланади.

— Пўлатхўжа акам бўлсалар керак, сувнинг таралишини кузатиб юрибдилар, — деди колхоз партия ташкилотининг секретари Гани Азимов. Биз фонарли кишига яқинлашдик.

Парторг таниган экан, Бу Пўлатхўжа Авлихўжаев эди. Пўлатхўжа ана тунда эгдарларга сувнинг таралишини синчиклаб кўздан кечириб юрадди.

Мана бу ерга хашак тегилиб, сувни ўтказмай қўйибди, — у, қўли билан эгдарга бостириб қўйилган чимни тўғрилди, — ғўзани суғориш жуда ноҳис иш, оёғина бўлса ҳам бепарволикка йўл қўйилса борми, бутун меҳнат зоҳ кетадими.

Биз моҳир суви — эвено бошлиги Пўлатхўжа Авлихўжаевдан ўзининг шу кеча-кундуздаги ишлари, суғоришнинг қандай таъкил қилинганлигини гапириб беришни сурадик.

Пўлатхўжа Авлихўжаев шу бригадани 7 йилдан буйи эвено бошлиги бўлиб ишлаб келмоқда. Колхоздагилар Пўлатхўжа акани тажрибали суви сифатига ҳурмат билан тилга оладилар. Бу эвенода ҳар йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштири-

лади. Эвено аъзолари бунга ерни экишга тайёрлашдан бошлаб чигит экиш, ғўза парвариши, йиғим-теримгача бўлган барча ишларни агро-техника қондаларига риоа қилган ҳолда сифатли ўтказишлари, суғориш ишлари таъкил қила билишлари туфайли эришадилар.

— Кунлар исиб кетиб, иссиқлик даражасининг ортиб бораётганлиги туфайли ҳам ҳозирги кунда суғориш ҳал қилувчи роль ўйнайди, — дейди Пўлатхўжа ака. — Шунинг учун ҳам бригаданимиз, эвеномизда бу ишга алоҳида аҳамият берилапти. Суғоришни кечасию-кундузи ўтказмоқдамиз. Бу ишда менга шерим Пўлатхўжа Усмонов ёрдам беради. Биз кундуз кунли барча эгдарларга «суви жидди равио» оқизиб, яхши тараб олишга ҳаракат қиламиз. Шундай қилсан, кечаси иш анча енгил кўчади. Тунда шерим билан биргаликда галма-гал дам оламиз, эгдарларга сувнинг таралишини текшириб чиқамиз. Ҳозир бизнинг эвенода ғўзаларга иккинчи марта сув берилмоқда. Биз ҳар гектар ердан камида 50 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан олган мажбуриятимизни албатта бажариш учун курашиб, суғориш ишларини бошқа дала ишлари билан бирга боғлаб олиб бормоқдамиз.

Оржоникидзе районидagi Киров номи колхозининг бошқа бригада далаларида

ҳам бўлди. Бу ерда ҳақиқатан ҳам ғўзани тунги суғориш айниқса яхши йўлга қўйилган. Шу кеча-кундузда колхозда 45 суви ишлаб турибди. Булардан 20 киши тунги суғоришда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти сувичилар, айниқса тунги сменада ишловчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча шароитларни яратиб берган. Тунги сменада ишловчилар етарли миқдорда фонарлар ва кўл батареялари билан таъминланган, шунингдек уларга мухтазам равиода озиқ-овқат маҳсулотлари бериб турилади. Микроблардан Абил Ортиқов, Матруф Ғолимов, кечаси бригаданимизда юриб, суғоришнинг боришини контроллик қиладилар. Тунги сменада ишлаётган моҳир сувичилардан С. Қозоқбоев, Комил Раҳимов, С. Хусанов, О. Сайдахмедов, И. Исмоилов ўртоқлар айниқса яхши натижаларга эришатирилди. Шуларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозиргача барча майдондаги ғўзалар биринчи сувдан чиқарилади.

Колхоз аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун тинмай курашмоқдалар.

Н. РИХСБЕВ.

Суратда: эвено бошлиги ўртоқ Пўлатхўжа Авлихўжаев тунда эгдарларга сувнинг таралишини кўздан кечиришда.

В. Салов фотоси.

Янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб

Ишчи ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этиб, ғўза парваришини кундан-кунга кучайтиришга Бўка районидagi Хрушчев номи колхоз аъзолари мўл ҳосил етиштириш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Колхозининг М. Эшпўлатов, Т. Эшпўлатов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари асосий майдонларда чигитни текис ундириб олган эдилар. Бу илғор бригада аъзолари ғўза парвариши соҳасида ҳам биринчиликни қўлаб бермасликка қарор қилдилар. Ҳар гектар ерда зарур қалинликда кучат бўлишига эришиш учун курашиб, култивация, чопиқ ишлари-

ни агротехника қондаларига қатъий риоа қилган ҳолда ўтказмоқдалар.

Колхоз аъзолари Янгийўл район колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари ҳамда қишлоқ хўжалик му-тахассисларининг олобаст пахтакорларига қарата чиқарган мурожаатини диққат билан ўрганиб чиқдилар ва ғўза парваришини кучайтириш учун зарур тадбирлар белгиладилар. Янгийўллик пахтакорларнинг ташаббусини қўлаб-қувватлаган бу колхоз аъзолари 550 гектар ернинг ҳар гектаридан 24 центнердан ҳосил етиштириш учун курашаптирлар.

М. ГАБИДУЛЛИН.

30 ЦЕНТНЕР УЧУН

Ўртоқ З. Мамедов бошлиқ бригада аъзолари бу йил 85 гектар ерга чигит экиб, гектаридан камида 30 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Шу мақсадда бригада аъзолари ғўза парваришини тобора қизғинлаштирилди.

Бригадани дала ишлари ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Бу ерда колхозчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Моҳиба Арслонова, Фахрия Рижалова, Лабиса Исмомова ва Ислом Қибаров каби илғорлар кунлик нормаларини доимо 1,5-2 ҳисса бажариб, ҳаммага намуна бўлмоқдалар.

Бригада аъзолари ўзаро соци-

алистик мусобақада ғолиб чиқиб, колхоз кўчма Қизил байрогини олинган мусасар бўдилар. Ҳозир улар Қизил байроқни ўз қўлларига сақлаб қолиш учун байратга-гайрат қўлиб ишлаштирадилар.

Мирзачўл районидagi «Коммуна» колхозининг Ж. Раҳимов, И. Комилов ва А. Қурбанов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза қатор орадарига ағтарлаб олиш ишлари ишлаб боради. Янгийўллик номи колхозларининг илғор бригадаларида ғўза парвариши қизиб юборилди.

Х. Халилов, М. Эшонқулсав, А. Алибеков, О. Отамонов.

Бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади

Қорасув районидagi Максим Горький номи колхозининг Жалол Олимов бошлиқ 7-бригадасида сабза-завот ва полиз екишлари намунада парвариш қилинмоқда. Айниқса 1,5 гектар ердаги бондир, 4 гектар ердаги қармоқ ва қарам екишлари икки марта чопиқдан чиқарилади ва озиқлантирилади.

Шуниси қузончилик, бу бригадани бу йил ҳамма екишлари парвариш қилишда механизациядан кенг фойдаланилмоқда. Қарам, қармоқча, помидор, пизз ва бошқа екишлар трактор ёрдамида култивация қи-

линмоқда. — Биз механизациянинг қадрига етмас эканмиз, — дейди бригада бошлиги Жалол Олимов, — трактор жонининг ҳузури экан. Мўл ҳосил етиштиришдан деган дехдон йил бошлангич ҳамма ишчи трактор билан ишлашга плавлантириверсин.

Ҳозир 9,5 гектар ер кечки қармоқча, қарам ва саби экиш учун сифатли қилиб тайёрлаб қўйилди. Бригаданинг барча аъзолари дала ишларига прогудиза қатнашмоқдалар.

М. КАРИМОВ.

ФЕЛЬЕТОН ЎТ БОСГАН ҒЌЗАЛАР ШИКОЯТИ

Бўка районидagi Охунбойев номи колхозда ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ва ҳашаротга қарши кураш ишлари ўзбўларчилиқка ташлаб қўйилган. Колхозда 250 гектарга яқин ғўзани ўт босиб кетган. Айниқса Валламов бошлиқ 3- бригаданинг 50 гектардан ортиқ ердаги ғўзаси, шунингдек, 5, 8, ва 9- бригадаларда ҳам талайгина ердаги ғўзалар ўт босиб, ривожланишдан тўхтаб қолмоқда.

Колхоз раиси Н. Хожиметов, партия ташкилотининг секретари М. Усмонов ва агроном Ж. Мусаев ўртоқлар бутун куч ва техника ресурсларини ғўза парваришини кучайтиришга сафарбар қилмаштирадилар.

Ўт босган ғўзалар колхоз раҳбарларининг дастидан дол солиб, мана бундай шикоят қилмоқда:

(МУХБИР ХАБРИДАН)

Тўғ мағиз чигит эди,
Сувда хўп ивтидилар.
Трантор билан юшмон,
Сернам ерга экидилар.
Нур сочиб кўндан кўш
Қиздирганда тупроқни,
Бир текис уйиб чиқанди,
Эздики ишил апрончи.
Бўй чўзиб қатор-қатор,
Назар солсан атрофга,
Кўзимиз тушди бирдан
Ғумай, очкўз алафга.
Еввойи ўт-техникхўр
Гурираб тез ўсдилар.
Авжимиздан тўхтатиб,
Йўлимизни тўсдилар.
Чирмовуқ чангалида
Қийналди тан-қиминиз.
Япрогимиз саргайиб,
Юздан ночди номиниз.
Ягана қилдилару
Сўнг хабар олмадилар.
Бир бор нелиб бригадир
Кўз қирин солмадилар.
Эвено бошлигимиз
Жамолни кўрмадик.
Ўт ичида қийналиб,
Арслон УМАРОВ.

Яйрамадик, кулмадик.
Трантор нелишини
Кўтиб, бўлиди интизор,
Баргимизни ҳашарот
Сўриб, бизни этди хор.
Комиссияи негналда,
Ерга айб қўйдилар.
Бизни «ёмон ғўза» деб
Яхшисини сўйдилар.
Нима гуноҳ қилдик биз
Агрономга, раисга?
Чакирса бормадими
Идорига манлисига?
Уларни нелиб кўрсин
Бизнинг аялч аҳволи.
Пакана бўйимизу
Ғумай — узун соқоли.
Ўт ўтларини қирсалар
Кўрнам бўлиб қолардик.
Кўрнамка шимол тегиб,
Эркин нафас олардик.
Биз ўсган майдоннинг ҳам
Плани, центнери бор.
Мана шунинг ҳеч наҳон
Унутмасин пахтакор!

Область колхозларида 1958 йил 1 январдан 1 Юнгда хар бир сигирдан қанча сут соғиб олинганлиги тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(килограмм ҳисобида)

Районлар	1958 йил 1 июнда хар бир сигирдан соғиб олинган сут.	1958 йил май ойида хар бир сигирдан соғиб олинган сут.	Районлар	1958 йил 1 июнда хар бир сигирдан соғиб олинган сут.	1958 йил май ойида хар бир сигирдан соғиб олинган сут.
Оққўрғон	430	136	Қўйи Чирчиқ	598	154
Бойвот	491	171	Оржоникидзе	974	243
Бекобод	353	105	Октябрь	605	154
Бўка	542	157	Паркент	730	220
Бўстонлиқ	554	153	Пискент	504	157
Верхне-волинск	544	136	Ўрта Чирчиқ	569	157
Юқори Чирчиқ	744	187	Сирдарё	662	163
Гулистон	498	146	Тошкент	969	228
Калинин	1279	286	Ўртасарой	542	157
Қорасув	1189	286	Чиноз	623	142
Мирзачўл	526	136	Янгийўл	757	183



Мирзачўл районидagi Сталин номи колхоз аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб ғўза парваришини кундан-кун кучайтирмоқдалар. Колхоз аъзолари тракторчи Бегим Алибековни ҳурмат билан тилга оладилар. Бу моҳир механизатор биринчи бўлиб колхозининг 7- бригадасида 85 гектар ерга 60х60 схемаси билан квадрат-уялаб чигит экиган. Моҳир механизатор ўз ағаретидан унумли фойдаланиб, ғўзани узунасига ва қўндалангига парвариш қилиш ишини сифатли ўтказаштир. Ҳозиргача у 300 гектардан ортиқ ердаги ғўзани култивациядан чиқарди. Суратда: тракторчи Бегим Алибеков. В. Салов фотоси.

Ҳозир мақтанманг, кунда уялиб қоласиз

Энди далага жўнаймиз деб турганимизда бошқа колхозларда ғўза парвариши тузуқ ақалити, лекин «XIX партсезд» колхози бу соҳада орқала қолётгани ҳақида гап очилиб қолди. Уни эшитган колхоз раиси Ўртоқ Ем-Ем бир оз ўйлашиб тургач, деди:

— Ким яхши, ким ёмон ишлагани пахта тарозига тушганда маълум бўлади. Жўзани кунда санаш керак.

Ўртоқ Ем-Ем-нинг ранжиб айтган гапидан бу колхозда ҳам иш ёмон эмас, илғор колхозлардан қолшмайли деган маънони аниқлаш мумкин эди. Афсуски, бу колхознинг далаларини бирма-бир айланиб кўрган вақтда раис айтгандай иш жойида эмас экан.

Ўртоқ Нурмон Усмонов бошлиқ бригаданинг 20 гектар ердаги ғўзасини ҳамон курак, ғумай, қамши сингари ёввойи ўт босиб ётибди. Шу бригаданинг Етмиш Шовханов бошлиқ эвеносида ҳалигача ҳам ягона қилинмаган ғўзаларни кўрдик. Шу эвенонинг бир ярим гектарча ердаги ғўзасини зах сув босиб кетган. Умуман «XIX партсезд» колхозда 40 гектардан кўпроқ ердаги ғўзалар шу хилда ўт ичида қолиб ривожланиш кечикапти.

Бундан бир неча кун илгари райондан келган комиссия айниқса колхозда ёввойи ўтга қарши кураш ёмон уюштирилганлигини алоҳида қайт этди. Уш вақтда колхоз раиси 10 июнча ғўза ораларида бир дона ҳам ўт қолдирмайдик, деб тантанали ваъда берган эди. Аммо бу ваъдалар ваъдалигича қолдиб кетаведди.

Колхозда графика мувофиқ бир кунда 124 гектар ердаги ғўза узунасига ва қўндалангига култивация қилиниши лозим. Ҳақиқатда эса ҳар кун графика ниёбатан 40-50 гектар ердаги ғўза култивация қилимай қолляпти. Агар бунинг сабабларини суриштирсангиз,

дарҳол раис мавжуд аҳволни хас-пўшлаб, бўлмагур баҳоналарини рўқач қилади. Ҳақиқатда эса ғўза парваришидаги қўпгина ишларнинг орқала сурилиб кетишига ғўзага сув қўйишнинг ҳаддан ташқари кечиктириб юборилганлиги сабаб бўлапти. Колхозда 630 гектар пахта майдонидан энди 64 гектари суғорилган. Колхоз раҳбарлари ҳамма ғўзалар сув талаб, суғоришни тезлаштириш зарур, дейдилар. Лекин ўзларининг мана шу таппарига ўзалари амал қилимайдилар.

Ўртоқ Замон Каримкулов бошлиқ бригаданинг бир картасида Бердиқулов билан Магай ўртоқлар сув қўйиб юришибди. Картанинг бир ери қўйлаб қолган бўлса, оқинчи ерига нам ҳам тегмаган, иллаткор сув қўйилмапти. Улар сув қўйиш нормасини бир гектар дедилар.

Кўчанинг нариги бетидagi картада Ирисбеков билан Имомназаров ўртоқлар ғўзага сув қўйаётган эканлар.

— Иссиқ овқат борми, — суриштирдик.

— Йўқ, уйга бориб овқатланиб келаямиз, — деди сувчи Ирисбеков. Колхозда сувчиларга зарур маънавий шароит яратилмаган. Уларга сув қўйиш нормалари тушунтирилмаган. Шунинг учун сувчиларнинг меҳнат унуми жуда паст. Колхоздаги 37 сувчи бир кунда бор-йўғи 9-10 гектар ердаги ғўзага сув қўйапти. Айрим кунлари бу колхозда ҳар бир сувчининг суғорган ғўзаси чорак гектардан ҳам ошмайди.

Ўртоқ Замон Каримкуловнинг 63 гектар пахта майдонини бор экан. Биз ундан бир марта суғориб чиқиб учун қанча вақт талаб қилинишини сураган эдик, у ўн кун керак деб жавоб берди.

— Бир кунда қанча гектар ердаги ғўзага сув қўйилапти?

— 3 гектар, — деб жавоб берди бригадир.

Демак бу бригаданинг гапига

